

ДИҚҚАТ! ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУФАЙЛИ ТЕРМИЗ ТУМАНИДА ГАЗ ТАЪМИНОТИ ВАҚТИНЧА ТЎХТАТИЛАДИ



Термиз туманида газ тармоғи қувурларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш учун таъмирлаш ишлари олиб борилиши сабабли, 2021 йилнинг 12 октябр куни соат 13:00 дан 16:00 га қадар 6967 та аҳоли хонадонлари ва 168 та улгуржи истеъмолчиларида табиий газ таъминоти вақтинча тўхтатилади.

Табиий газ ўчирилиши муносабати билан хонадонингиздаги газ жиҳозларини назоратсиз қолдирманг.

Таъмирлаш ишлари тугатилгандан сўнг, табиий газ таъминоти қайта тикланади.

“Худудгаз Сурхондарё” газ таъминоти филиали таъмирлаш ишлари туфайли етказилган ноқулайликлар учун аҳолимиз ва газ истеъмолчиларидан узр сўрайди.

Термиз туман ҳокимлиги
Ахборот хизмати